1. Настоящее Соглашение определяет условия сотрудничества между Сторонами по обмену информацией в случае возникновения любой аварии, связанной с указанными в пункте 2 настоящей статьи установками или деятельностью государства одной из Сторон, вследствие которой происходит или может произойти выброс радиоактивных веществ и которая привела или может привести к международному трансграничному выбросу, что могло бы иметь с точки зрения радиационной безопасности значение для государства другой Стороны, а также о состоянии ядерной и радиационной безопасности.

2. Установками и деятельностью, указанными в пункте 1 настоящей статьи, являются:

- а) ядерный реактор;
- б) установка ядерного топливного цикла;
- в) установка по обращению с радиоактивными отходами;
- г) перевозка и хранение ядерного топлива или радиоактивных отходов;
- д) изготовление, использование, хранение, удаление и перевозка радиоизотопов для сельскохозяйственных, промышленных, медицинских целей и для проведения научных исследований в этих областях;
- е) использование радиоизотопов для выработки энергии в космических объектах.

### **Статья 2**

В случае возникновения ядерной аварии на установке или при осуществлении деятельности в области использования атомной энергии в мирных целях на территории государства одной из Сторон, которая повлекла или может повлечь трансграничный выброс радиоактивных веществ на территорию государства другой Стороны, Страна, на территории государства которой произошла такая ядерная авария, незамедлительно оповещает об этом другую Страну и передает ей имеющуюся по данной ядерной аварии информацию в объеме, необходимом для минимизации радиационных последствий, в том числе с учетом положений Конвенции об оперативном оповещении о ядерной аварии от 26 сентября 1986 года, принимая во внимание намерение Республики Узбекистан стать ее участником.

### **Статья 3**

Компетентными органами Сторон, отвечающими за выполнение настоящего Соглашения, являются:

с Узбекской Стороны — Государственный комитет промышленной безопасности Республики Узбекистан (в части обмена информацией о состоянии ядерной и радиационной безопасности ядерных энергетических и исследовательских реакторов); Министерство по чрезвычайным ситуациям

Республики Узбекистан (в части оперативного оповещения о ядерной аварии);

с Российской Стороны — Государственная корпорация по атомной энергии «Росатом».

В случае изменения компетентных органов, их наименований или функций Стороны уведомляют о таком изменении друг друга в письменной форме по дипломатическим каналам.

#### **Статья 4**

1. Компетентные органы Сторон, если нет других договоренностей Сторон или необходимости, ежегодно обмениваются информацией о состоянии ядерной и радиационной безопасности установок и видов деятельности, определенных в практических мерах.

2. После вступления в силу настоящего Соглашения компетентные органы Сторон совместно разработают и утвердят практические меры по выполнению обязательств, предусмотренных статьями 2, 4 и 5 настоящего Соглашения, в том числе:

перечень конкретных установок на территориях государств Сторон, объем, формы и процедуру передачи информации, а также регламенты проверок каналов связи;

перечень реквизитов пунктов связи по выполнению обязательств Сторон, содержащихся в положениях настоящего Соглашения.

3. Представители компетентных органов Сторон по мере необходимости, но не реже 1 раза в год, проводят встречи для обсуждения вопросов сотрудничества в рамках настоящего Соглашения.

#### **Статья 5**

1. Обмен информацией в рамках настоящего Соглашения осуществляется на безвозмездной основе.

2. Сторона, получившая информацию от другой Стороны в соответствии с настоящей статьей, имеет право запрашивать дополнительные разъяснения.

3. В случае возникновения необходимости в передаче сведений, составляющих государственные секреты Республики Узбекистан и (или) государственную тайну Российской Федерации, в рамках настоящего Соглашения их передача осуществляется в соответствии с положениями Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о взаимной защите секретной информации от 31 октября 2003 года.

4. По вопросам, не предусмотренным настоящим Соглашением, включая вопросы защиты информации, в отношении которой передающая Сторона обусловила необходимость соблюдения конфиденциальности, обеспечения охраны результатов интеллектуальной деятельности, защиты совместно полученной интеллектуальной собственности и предшествующей интеллектуальной собственности, использование которых необходимо для реа-

лизации настоящего Соглашения, и экспортного контроля применяются соответствующие положения Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о сотрудничестве в области использования атомной энергии в мирных целях от 29 декабря 2017 года.

### **Статья 6**

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься оформляемые отдельными протоколами изменения и дополнения, которые являются неотъемлемой частью настоящего Соглашения.

### **Статья 7**

Любые разногласия между Сторонами, связанные с применением и (или) толкованием настоящего Соглашения, разрешаются путем консультаций и переговоров между компетентными органами Сторон, если Стороны не договорятся об ином.

### **Статья 8**

Для обмена любой информацией, связанной с выполнением настоящего Соглашения, используется русский язык.

### **Статья 9**

1. Настоящее Соглашение вступает в силу по истечении 30 дней с даты получения по дипломатическим каналам последнего письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

2. Настоящее Соглашение является бессрочным.

3. Каждая из Сторон может прекратить действие настоящего Соглашения путем направления другой Стороне по дипломатическим каналам письменного уведомления о таком намерении. Действие настоящего Соглашения прекращается через 6 месяцев после получения одной из Сторон такого уведомления.

4. Прекращение действия настоящего Соглашения не влияет на права и обязательства Сторон, возникшие в результате выполнения настоящего Соглашения до его прекращения, если Стороны не договорятся об ином.

Совершено в городе Ташкенте 18 ноября 2021 года и городе Москве 19 ноября 2021 года в двух экземплярах, каждый на узбекском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

*(подписи)*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь  
Республикаси Ҳукумати ўртасида инвестицияларни ўзаро  
рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида  
БИТИМ**

*2019 йил 1 август, Минск*

*Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 20 июлдаги ПҚ–327-сонли қарори билан тасдиқланган*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2022 йил 20 августан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Беларусь Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Ахдлашувчи Томонлар» деб аталувчилар, иккала давлатнинг ўзаро манфаати йўлида иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш истагида,

бир Ахдлашувчи Томон давлати инвесторларининг инвестициялари учун бошқа Ахдлашувчи Томон давлати ҳудудида қулай шарт-шароитларни яратиш ва қўллаб-қувватлашга интилиб,

мазкур Битим асосида инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш иккала давлатда ишбилармонлик ташаббусини ривожлантириш, хусусий сармоялар кириб келиши ҳамда иқтисодий ривожланишга кўмак беришини эътироф этган ҳолда,

давлатлар миллий қонунчилигига мувофиқ, шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормалари воситасида инвестицияларни ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш муҳимлигини инобатга олиб,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда  
Таърифлар**

Мазкур Битим мақсадлари учун:

1. «Инвестициялар» атамаси бир Ахдлашувчи Томон давлати инвестори тарафидан бошқа Ахдлашувчи Томон давлати ҳудудида фойда олиш мақсадларида бошқа Ахдлашувчи Томон давлати қонунчилигига мувофиқ иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда киритилган мулк қийматликларнинг барча турларини англатади, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) қўчар ва қўчмас мулк ҳамда бошқа мулк қийматликлар;
- б) улушлар, акциялар ёки тижорат ташкилотларида иштирок этишнинг бошқа шакллари, шунингдек, облигациялар;
- в) пул маблағлари ёки иқтисодий қийматга ва инвестиция белгиларига эга шартнома бўйича ҳар қандай мажбуриятларни бажаришга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқлари;



г) интеллектуал ва саноат мулкига бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, ихтиро патентлари, товар белгилари, саноат намуналари, товар чиқарилган жойни кўрсатиш ва технологик жараёнлар, ишлаб чиқариш сирлари, фирма номлари, ноу-хау ва гудвилл, шунингдек, бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқлар;

д) ҳудудда инвестициялар амалга оширилаётган Аҳдлашувчи Томон давлати қонунчилигига мувофиқ тақдим қилинадиган ёки шартномага асосан ваколатли орган томонидан бериладиган концессиялар, шу жумладан, табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки эксплуатация қилиш ҳуқуқлари;

е) ҳудудда инвестициялар амалга оширилаётган Аҳдлашувчи Томон давлати қонунчилигига мувофиқ инвестициялар деб тан олинадиган ўзга шакллардаги бошқа инвестициялар.

Мазкур Битимга мувофиқ активни инвестиция сифатида таснифлаш учун у қуйидаги инвестиция белгиларига эга бўлиши лозим:

капитал ёки бошқа ресурсларни киритиш бўйича мажбурият;

даромад ёки фойда олишни кутиш;

таваккалчиликни қабул қилиш.

Мулкий қийматликларни инвестициялаш ёки қайта инвестициялаш шаклидаги ҳар қандай ўзгариш, башарти бундай ўзгариш тегишли Аҳдлашувчи Томон давлати қонунчилигига зид келмаса, уларнинг инвестиция хусусиятига дахл қилмайди.

Мазкур Битим мақсадлари учун «инвестициялар» атамаси қуйидаги активларни ўз ичига олмайди:

а) ҳукумат ёки давлат корхонаси ёхуд давлат томонидан назорат қилинадиган корхона томонидан чиқарилган қарз қимматли қоғозлари бўйича ҳар қандай фоизлар ёки ҳукуматга ёхуд давлат корхонасига ёки давлат томонидан назорат қилинадиган корхонага берилган қарзлар;

б) қабул қилувчи давлатда корхонанинг иш операциялари бошлангунига қадар юзага келган, корхонага рухсат олиш, уни ташкил қилиш, сотиб олиш ёки кенгайтириш билан боғлиқ ҳар қандай операция олди харажатлари, башарти инвестор билан Аҳдлашувчи Томонлардан бири ўртасидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса;

в) фақатгина товарлар сотиш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича тижорат битимларидан келиб чиқадиган пул маблағларини талаб қилиш ҳуқуқлари;

г) фақатгина ҳар қандай тижорат битими билан боғлиқ кредит беришдан келиб чиқадиган пул маблағларини талаб қилиш ҳуқуқлари.

Мазкур модданинг 1-банди тўртинчи қисми б) кичик бандида сўз юритилаётган иш операциялари деганда, ташкилот қуйидаги барча ҳаракатларни истисносиз амалга ошириши тушунилади:

а) қабул қилувчи давлатда капитал қўйилмалари бўйича узоқ муддатли мажбуриятларни ўз зиммасига олади;

б) тадбиркорлик таваккалчилигини қабул қилади;

в) ўз фаолиятини қабул қилувчи давлатнинг миллий қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

2. «Даромадлар» атамаси Аҳдлашувчи Томон давлатида инвестициядан олинган ҳар қандай маблағлар, шу жумладан, фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва воситачилик мукофотлари, техник ёрдам, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ва бошқа шакллардаги мукофотларни англади.

3. «Инвестор» атамаси бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида инвестицияларни амалга оширадиган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсини англади:

а) жисмоний шахс — Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг давлати қонунчилигига мувофиқ унинг фуқароси;

б) Аҳдлашувчи Томонларнинг исталган бирига нисбатан юридик шахс — ўз давлати қонунчилигига мувофиқ тузилган ёки таъсис этилган, шунингдек, бундай деб тан олинadиган ҳар қандай юридик шахс.

4. «Ҳудуд» атамаси Аҳдлашувчи Томон давлати суверенитети остида бўлган ушбу давлат миллий қонунчилиги ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ суверен ҳуқуқлари ёки юрисдикциясини амалга оширадиган ҳудудни англади.

5. «Аҳдлашувчи Томон давлатининг қонунчилиги» атамаси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқини ташкил этувчи қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки Беларусь Республикасининг ҳуқуқини ташкил этувчи қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни англади.

## **2-модда**

### **Мазкур Битимнинг қўлланилиши**

Мазкур Битим қоидалари бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг инвесторлари томонидан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида унинг қонунчилигига мувофиқ ушбу Битим кучга киргунга қадар ва ундан кейин амалга оширилган барча инвестицияларга нисбатан қўлланилади, бироқ инвестициялар, ҳаракатлар ёки фактлар бўйича мазкур Битим кучга киргунга қадар вужудга келган ҳар қандай низолар ёки ушбу Битим кучга киргунга қадар ҳал қилинган ҳар қандай даъволарга нисбатан қўлланилмайди.

## **3-модда**

### **Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлати ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларига инвестицияларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни рағбатлантиради ва яратади ҳамда бундай инвестицияларнинг киритилишига ўз давлати қонунчилигига мувофиқ рухсат беради.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларининг инвестицияларига бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида ўзгармас тарзда адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, шунингдек, тўлиқ ва тегишли ҳуқуқий ҳимоя тақдим қилинади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлати ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларининг инвестицияларини бошқариш, сақлаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тасарруф этишга асоссиз ёки

камситувчи чоралар кўриш орқали тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини олади.

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларининг инвестицияларига нисбатан олган ҳар қандай мажбуриятига риоя этишга мажбурдир.

#### **4-модда**

##### **Миллий режим ва энг қулай режим**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлати ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларининг инвестициялари ва даромадларига нисбатан ўз давлатининг инвесторлари ёки бошқа ҳар қандай учинчи давлат инвесторларининг инвестициялари ва даромадларига тақдим этилган режимлардан, инвесторнинг фикрига кўра, қай бири энг қулай бўлса, ундан кам бўлмаган қулай режимни тақдим этади.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлати ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг инвесторларига инвестицияларини бошқариш, сақлаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тасарруф этишга нисбатан ўз давлатининг инвесторлари ёки ҳар қандай учинчи давлат инвесторларига тақдим этиладиган режимлардан, инвесторнинг фикрига кўра, қай бири энг қулай бўлса, ундан кам бўлмаган қулай режимни тақдим этади.

3. Мазкур модданинг 1 ва 2-бандлари қоидалари бир Аҳдлашувчи Томонни қуйидагиларга мувофиқ ушбу Аҳдлашувчи Томон тарафидан берилиши мумкин бўлган ҳар қандай режим, имтиёзлар ёки енгилликлардаги афзалликларни бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторлари ва уларнинг инвестицияларига татбиқ этиш бўйича мажбурият юклайдиган тарзда талқин қилинмаслиги лозим:

а) эркин савдо, божхона иттифоқи, умумий бозор, иқтисодий ёки валюта иттифоқи тўғрисидаги битим ёхуд бошқа шунга ўхшаш халқаро битим, шу жумладан, биринчи Аҳдлашувчи Томон аъзо бўлган ёки келажакда аъзо бўлиши мумкин бўлган минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари;

б) икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги битим ёки тўлиқ ёхуд асосан солиққа тортишга тааллуқли бўлган бошқа халқаро битим.

4. Мазкур Битимнинг энг қулай режимга тааллуқли қоидалари қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

а) бир Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг инвесторлари ўртасидаги низоларни ҳал қилишга;

б) ер участкаларини хусусийлаштиришга ва хусусийлаштирилган ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритишга нисбатан.

#### **5-модда**

##### **Экспроприация**

1. Бир Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларининг инвестицияларига бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида национализация, экспро-

риация ёки амал қилиши бевосита ёхуд билвосита национализацияга ёки экспроприацияга тенг бошқа чоралар (кейинги ўринларда «экспроприация») қўлланилмайди, уларнинг жамоат манфаатларида камситилмайдиган асосда қонунчиликда белгиланган тартибга мувофиқ, ўз вақтида, мутаносиб ва самарали компенсация таъминланган ҳолда қўлланилиши бундан мустасно.

2. Компенсация амалда экспроприация қилинган ёки келгусида экспроприация қилиш ҳақида расман маълум бўлган санада ҳисобланган экспроприация қилинаётган инвестицияларнинг бозор қийматига мос бўлиши лозим. Компенсация кечиктирилмасдан эркин айирбошланадиган валютада тўланади ва мазкур Битимнинг 8-моддасига мувофиқ бир Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудидан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудига ўтказилади. Экспроприация санасидан бошлаб компенсация тўланган санага қадар компенсация суммасига бозор асосида белгиланадиган тижорат ставкасида, аммо олти ойлик доллар кредитлари бўйича Лондон банклараро таклиф ставкасида (ЛИБОР) кам бўлмаган ставкада фоизлар ҳисобланади.

3. Агар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлати ҳудудида қонунчиликка мувофиқ ташкил этилган ёки таъсис этилган тижорат ташкилотининг мол-мулкини ёхуд унинг бир қисмини экспроприация қилса ҳамда бу ташкилотга бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторлари инвестициялар киритган, шу жумладан, унда улушли иштирок этган бўлса, ушбу бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларига мазкур модданинг қоидалари уларнинг инвестицияларига нисбатан ўз вақтида, мутаносиб ва самарали компенсацияни таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмда қўлланилиши кафолатланиши лозим.

4. Инвестициялари экспроприация қилинадиган инвестор экспроприацияни амалга оширувчи Аҳдлашувчи Томон давлатининг суди ёки бошқа ваколатли органи томонидан мазкур моддада белгиланган тамойилларга мувофиқ, ўз ишининг тезкор кўриб чиқилиши ва ўз инвестициялари баҳо-ланишининг таҳлил қилиниши ҳуқуқига эгадир.

## **6-модда**

### **Зарарларни қоплаш**

1. Бир Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларига уларнинг инвестициялари бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида уруш, қуролли тўқнашув, мамлакат даражасидаги фавқулодда ҳолат, инқилоб, кўзғолон ёки исён оқибатида зарар кўрган бўлса, ушбу бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан уларни тиклаш, зарарларни қоплаш, компенсация ёки ўзгача тарзда тартибга солишга нисбатан, мазкур бошқа Аҳдлашувчи Томон ўз давлати инвесторларига ёки энг қулай режимдан фойдаланадиган инвесторларга тақдим этадиган режимлардан, инвесторнинг фикрига кўра, қай бири энг қулай бўлса, ундан кам бўлмаган қулай режим тақдим этилади.

2. Мазкур модданинг 1-бандига дахл қилмаган ҳолда, ушбу бандда назарда тутилган ҳар қандай вазиятларда бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг инвесторлари бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида:

а) ушбу бошқа Аҳдлашувчи Томон қуролли кучлари ёки ҳокимият

органлари томонидан уларнинг инвестициялари тўлиқ ёки қисман реквизиция қилиниши натижасида зарар кўрса;

б) ушбу бошқа Аҳдлашувчи Томон қуролли кучлари ёки ҳокимият органлари томонидан вазият тақозоси талаби билан боғлиқ бўлмаган ҳолда уларнинг инвестициялари тўлиқ ёки қисман йўқ қилиниши натижасида зарар кўрса,

инвесторларга бошқа Аҳдлашувчи Томон тарафидан товон тўлови ёки компенсация тақдим қилинади, бунда улар ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз вақтида, мутаносиб ва самарали амалга оширилиши лозим, компенсация эса реквизиция ёки йўқ қилиниш пайтидан бошлаб ҳақиқатда тўлов санасига қадар мазкур Битимнинг 5-моддаси 2 — 4 бандларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

### **7-модда**

#### **Умумий истиснолар**

1. Мазкур Битимдаги ҳеч бир қоида Аҳдлашувчи Томонни қуйидаги камситмайдиган ҳуқуқий чораларни қўллашдан чекламаслиги лозим:

а) инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, атроф-муҳит, шунингдек, тарихий ва маданий қадриятларни муҳофаза қилишга қаратилган чоралар;

б) казиб олинадиган табиий ресурсларни сақлаш билан боғлиқ чоралар.

2. Мазкур Битимдаги ҳеч бир қоида қуйидаги мақсадларда талқин қилинмаслиги лозим:

а) исталган Аҳдлашувчи Томондан у ошкор этилиши ўзининг муҳим хавфсизлик манфаатларига зид деб ҳисоблайдиган ҳар қандай маълумотларни олиш имкониятини таъминлашни талаб қилиш;

б) исталган Аҳдлашувчи Томонга ўзининг хавфсизлик манфаатларини ва муҳим иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур деб ҳисоблаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, башарти бундай ҳаракатлар:

1) ҳарбий ёки бошқа хавфсизлик муассасаларини таъминлаш мақсадида бевосита ёки билвосита амалга ошириладиган қурол-яроғ, ўқ-дорилар ва бошқа товарлар, материаллар, хизматлар ва технологиялар савдоси билан боғлиқ бўлса;

2) уруш ёки халқаро муносабатлардаги бошқа фавқулодда ҳолатлар вақтида амалга оширилса; ёки

3) ядро қуролини ёки бошқа ядровий портловчи қурилмаларни тарқатмасликка доир миллий сиёсатни юритиш ёки халқаро шартномаларни бажариш юзасидан амалга оширилса; ёки

4) ноқонуний фаолиятга нисбатан амалга оширилса.

### **8-модда**

#### **Эркин ўтказмалар**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг инвесторларига тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бирин-

чи Аҳдлашувчи Томон давлати қонунчилигида белгиланган тартибда тўланганларидан сўнг, ўз инвестициялари билан боғлиқ тўловларни чет элга эркин ўтказишларини кафолатлайди, бундай ўтказмалар, хусусан, қуйидагиларни ўз ичига олади, аммо булар билан чекланиб қолмайди:

- а) мазкур Битимнинг 1-моддаси 2-бандида белгиланган даромадлар;
- б) инвестицияларни сақлаш ёки ривожлантириш учун зарур бўлган асосий ва қўшимча ҳиссалар;
- в) иккала Аҳдлашувчи Томон инвестиция сифатида тан олган қарзлар ва кредитларни қайтариш учун тўланадиган маблағлар, шунингдек, уларга ҳисобланган фоизлар;
- г) инвестицияларни қисман ёки тўлиқ тугатиш ёхуд сотиш муносабати билан олинган маблағлар;
- д) мазкур Битимнинг 5 ва 6-моддаларида назарда тутилган компенсация;
- е) ҳудудида инвестициялар амалга оширилган Аҳдлашувчи Томон давлати қонунчилигига мувофиқ инвестициялар билан боғлиқ ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун чет элдан ёлланган жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа мукофотлари;
- ж) қўлга киритилган қимматли қоғозлардан олинган фоиз ва (ёки) дисконт, дивидендлар шаклидаги, шунингдек, уларнинг тасарруфдан чиқарилиши ва (ёки) сўндирилишидан олинган даромадлар.

2. Мазкур Битим бўйича тўлов ўтказмалари инвестициялар ҳудудида амалга оширилган Аҳдлашувчи Томон давлатининг валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ, ўтказма санасидаги айирбошлаш курси бўйича эркин айирбошланадиган валютада кечиктирмасдан амалга оширилади.

## **9-модда** **Суброгация**

Башарти бир Аҳдлашувчи Томон ёки унинг ваколатли ташкилоти бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида инвесторнинг инвестицияларига нисбатан берилган кафолат ёки суғурта шартномаси бўйича тўловни амалга оширса, бошқа Аҳдлашувчи Томон ушбу инвесторнинг ҳуқуқи ёки талаб қилиш ҳуқуқининг биринчи Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг ваколатли ташкилотига ўтказилишини ҳамда биринчи Аҳдлашувчи Томон ёки унинг ваколатли ташкилотининг ҳуқуқ ва талаб қилиш ҳуқуқларини суброгация принципи асосида мазкур ҳуқуқларни тақдим этган шахс билан бир хил ҳажмда амалга ошириш ҳуқуқини тан олиши лозим.

## **10-модда** **Бир Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг инвестори ўртасидаги низолар**

1. Бир Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг инвестори ўртасида инвестициялар билан бевосита боғлиқ бўлган низо

ундаги томонлар ўртасида тинч йўл билан маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал қилинади.

2. Башарти низо томонлардан бирининг низони ҳал қилиш тўғрисидаги ёзма мурожаати пайтидан бошлаб олти ой ичида маслаҳатлашув ва музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, бунда инвестор мазкур модданинг 5-бандида назарда тутилган процедурага риоя этган ҳолда, низони кўриб чиқиш учун қуйидагилардан бирига топшириши мумкин:

а) ҳудудда инвестициялар амалга оширилган Аҳдлашувчи Томон давлатининг ваколатли судлари; ёки

б) 1965 йил 18 мартда Вашингтонда имзолаш учун очиқ бўлган Давлатлар билан бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал қилиш бўйича Конвенцияга мувофиқ таъсис этилган Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказ (ICSID), башарти иккала Аҳдлашувчи Томон давлати мазкур Конвенцияга қўшилган бўлса; ёки

в) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (UNCITRAL) Арбитраж регламентига мувофиқ таъсис этиладиган «ad hoc» арбитраж суди; ёки

г) илгари келишилган ҳар қандай бошқа «ad hoc» халқаро арбитраж суди.

3. Низодаги томонлардан бирининг сўровига кўра мазкур моддага мувофиқ арбитраж тарзида кўриб чиқиш 1958 йил 10 июнда Нью-Йоркда имзолаш учун очиқ бўлган Хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисидаги Конвенция (Нью-Йорк Конвенцияси)га аъзо давлат ҳудудида амалга оширилади.

4. Агар инвестор низони халқаро арбитражга тақдим қилган бўлса, мазкур модданинг 2-бандида кўрсатилган учта арбитражлардан бирини танлаш якуний ҳисобланади.

5. Низодаги томон ҳисобланган Аҳдлашувчи Томон низони арбитражга топшириш нияти тўғрисидаги ёзма хабарномани олган санадан бошлаб тўқсон (90) кундан сўнг низо халқаро арбитражга топширилиши мумкин. Халқаро арбитражга топшириш нияти тўғрисидаги хабарномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) мурожаатчининг номи ва манзили, башарти даъво ташкилот номидан берилаётган бўлса, корхона номи, манзили ва рўйхатдан ўтган жойи;

б) инвестор фикрига кўра мазкур битимнинг бузилган қоидалари;

в) ҳар бир даъво учун ҳуқуқий ва фактик асослар; шунингдек,

г) даъво талаби (даъво предмети), шу жумладан, даъво қилинаётган зарар ёки зиённинг тахминий суммаси.

6. Башарти инвестор низога олиб келган ҳолатлар ҳақида илк бор хабар топган санадан ёки хабар топиши лозим бўлган пайдан эътиборан беш (5) йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, низо арбитражга топширилиши мумкин эмас.

7. Башарти мазкур Битимдаги қоидалар арбитраж қоидаларига зид бўлса, мазкур Битим қоидалари устувор ҳисобланади.

8. Суд қарори низодаги иккала томон учун якуний ва мажбурий ҳисоб-

ланади ҳамда ҳудудда суд қарори ижро этилаётган Аҳдлашувчи Томон давлатининг процессуал қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши лозим.

### **11-модда**

#### **Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги низолар**

1. Мазкур Битимни талқин қилиш ва қўллашга оид низолар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида имкон қадар музокаралар орқали ҳал этилиши лозим.

2. Башарти низони Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг бундай музокаралар тўғрисидаги талабномаси пайтидан бошлаб олти ой давомида юқорида қайд этилган усулда ҳал этишнинг имкони бўлмаса, ушбу низо Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг талабномасига биноан арбитраж судига топширилиши мумкин.

3. Арбитраж суди ҳар бир муайян ҳолат учун қуйида белгиланган тарзда таъсис қилинади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон арбитраж тарзида ҳал қилиш талабномаси олингандан сўнг икки ой ичида биттадан суд аъзосини тайинлайди. Ушбу икки суд аъзоси Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро розилиги билан суд раиси этиб тайинланадиган учинчи давлат фуқаросини аниқлайдилар. Раис бошқа икки суд аъзоси тайинланган санадан бошлаб тўрт ой ичида тайинланиши лозим.

4. Агар мазкур модданинг 3-бандида белгиланган муддатларда зарурий тайинловлар амалга оширилмаган бўлса ва башарти Аҳдлашувчи Томонлар ўзгача тарзда келишиб олмаган бўлсалар, зарурий тайинловларни амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома Халқаро суд Раисига йўлланиши мумкин. Агар Халқаро суд Раиси Аҳдлашувчи Томонлардан бирининг давлати фуқароси бўлса ёки у юқорида қайд этилган ҳаракатларни бошқа сабабларга кўра бажара олмаса, зарурий тайинловларни амалга ошириш тўғрисидаги илтимоснома бирон бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг фуқароси ҳисобланмайдиган ҳамда юқорида қайд этилган ҳаракатларни амалга ошира оладиган Халқаро суднинг лавозим жиҳатидан кейинги аъзосига йўлланади.

5. Арбитраж суди кўпчилик овоз билан қарор қабул қилади. Суд қарорлари иккала Аҳдлашувчи Томон учун яқуний ва мажбурий ҳисобланади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзи тайинлаган суд аъзоси ва ўз вакиллари-нинг суд мажлисларидаги харажатларини қоплайди. Суд Раисининг харажатлари, шунингдек, бошқа харажатлар Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида тенг тақсимланади. Суд харажатлар бўйича ўзгача қарор қабул қилиши ҳам мумкин. Бошқа барча масалалар бўйича арбитраж суди ўз ишининг регламентини белгилайди. Бунда регламент мазкур Битим нормаларига зид бўлмаслиги лозим.

### **12-модда**

#### **Бошқа қоидаларнинг қўлланилиши**

1. Башарти бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг қонунчилиги қоидалари ёки халқаро ҳуқуққа мувофиқ ҳозирда мавжуд бўлган ёхуд кейинчалик Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида мазкур Битимга қўшимча тарзда ўрнатил-



ган мажбуриятларда бошқа Ахдлашувчи Томон давлати инвесторлари амалга ошираётган инвестициялар мазкур Битимга мувофиқ ўрнатилган режимга нисбатан қулайроқ режимдан фойдаланишини назарда тутадиган умумий ёки махсус қоидаларга эга бўлса, бундай қоидалар инвестор учун янада қулайроқ бўлган қисмида мазкур Битимга нисбатан устувор кучга эга бўлади.

2. Мазкур модданинг 1-банди қоидалари Ахдлашувчи Томонлардан бирининг халқаро ҳуқуққа мувофиқ низоларни ҳал этиш соҳасидаги мажбуриятларига татбиқ қилинмайди.

### **13-модда** **Маслаҳатлашувлар**

Зарур ҳолларда, Ахдлашувчи Томонларнинг вакиллари мазкур Битимнинг амалга оширилишига дахл қиладиган ҳар қандай масала юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказадилар. Ушбу маслаҳатлашувлар Ахдлашувчи Томонлардан бирининг таклифига биноан, дипломатик каналлар орқали келишилган жойда ва муддатларда ўтказилади.

### **14-модда** **Мазкур Битимнинг кучга кириши, амал қилиш муддати ва амал қилишининг тугатилиши**

1. Мазкур Битим ҳар бир Ахдлашувчи Томон унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганлиги тўғрисидаги охириги ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан бошлаб ўттизинчи кундан кучга киради.

2. Мазкур Битим ўн йил муддатга тузилади. Башарти ҳеч бир Ахдлашувчи Томон тегишли муддат тугашидан камида ўн икки ой олдин мазкур Битимнинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида ёзма равишда дипломатик каналлар орқали хабарнома юбормаса, унинг амал қилиши ўз-ўзидан навбатдаги ўн йиллик муддатларга узаяверади.

3. Мазкур Битимга Ахдлашувчи Томонлар ўртасида ёзма равишда келишилган ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилиши мумкин. Исталган бундай ўзгартириш ёки қўшимчалар кучга кириши учун мазкур Битим кучга кириши бўйича талаб қилинадиган процедура қўлланилади.

4. Мазкур Битимнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амалга оширилган инвестицияларга нисбатан 1 — 12 моддаларнинг қоидалари мазкур Битим тугатилган санадан бошлаб беш йил мобайнида ўз кучида қолади.

Ушбуни тасдиқлаган ҳолда, бунга лозим даражада ваколатланган вакиллар мазкур Битимни имзоладилар.

Минск шаҳрида 2019 йил 1 августда икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда тафовутлар юзага келган тақдирда, рус тилидаги матндан фойдаланилади.

*(имзолар)*

**СОГЛАШЕНИЕ**  
**между Правительством Республики Узбекистан и**  
**Правительством Республики Беларусь о взаимном**  
**поощрении и защите инвестиций**

*Минск, 1 августа 2019 года*

*Настоящее Соглашение утверждено постановлением  
Президента Республики Узбекистан от 20 июля 2022 года  
№ ПП-327*

*(Вступило в силу для Республики Узбекистан  
20 августа 2022 года)*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Беларусь, именуемые в дальнейшем Договаривающимися Сторонами, желая углублять экономическое сотрудничество для взаимной выгоды обоих государств,

стремясь создавать и поддерживать благоприятные условия для инвестиций инвесторов государства одной Договаривающейся Стороны на территории государства другой Договаривающейся Стороны,

признавая, что взаимное поощрение и защита инвестиций на основе настоящего Соглашения будут способствовать развитию деловой инициативы, притоку частного капитала и экономическому развитию в обоих государствах,

учитывая важность обеспечения эффективного механизма защиты инвестиций в соответствии с национальным законодательством государств, а также посредством норм международного права,

**согласились о нижеследующем:**

**Статья 1**  
**Определения**

Для целей настоящего Соглашения:

1. Термин «инвестиции» означает все виды имущественных ценностей, вложенных инвестором государства одной Договаривающейся Стороны в связи с осуществлением экономической деятельности в целях получения прибыли на территории государства другой Договаривающейся Стороны в соответствии с законодательством государства другой Договаривающейся Стороны, и включает, в частности:

- а) движимое и недвижимое имущество и иные имущественные права;
- б) доли, акции, или иные формы участия в коммерческих организациях, а также облигации;
- в) права требования в отношении денежных средств или любого исполнения обязательств по договору, имеющему экономическую ценность и признаки инвестиций;

г) права на интеллектуальную и промышленную собственность, включая авторские права, патенты на изобретения, товарные знаки, промышленные образцы, указание места происхождения товара и технические процессы, секреты производства, фирменные наименования, ноу-хау и гудвилл, а также другие подобные права;

д) концессии, предоставляемые в соответствии с законодательством государства Договаривающейся Стороны, на территории которого осуществляются инвестиции, либо компетентным органом согласно договору, включая права на разведку, разработку, добычу или эксплуатацию природных ресурсов;

е) другие инвестиции в иных формах, признаваемые инвестициями законодательством государства Договаривающейся Стороны, на территории которой осуществляются инвестиции.

Для того чтобы квалифицировать актив в качестве инвестиции в соответствии с настоящим Соглашением, он должен иметь признаки инвестиции, такие как:

- обязательство по вложению капитала или других ресурсов;
- ожидание получения дохода или прибыли;
- принятие риска.

Любое изменение формы, в которой осуществляется инвестирование или реинвестирование имущественных ценностей, не затрагивает их характера как инвестиций при условии, что подобное изменение не противоречит законодательству государства соответствующей Договаривающейся Стороны.

Для целей настоящего Соглашения термин «инвестиции» не включает следующие активы:

а) любые проценты по долговым ценным бумагам, выпущенным правительством или государственным предприятием, или контролируемым государством предприятием, либо займы правительству или государственному или контролируемому государством предприятию;

б) любые дооперационные расходы, связанные с допуском, созданием, приобретением или расширением предприятия, возникшие до начала деловых операций предприятия в принимающем государстве, если иное не предусмотрено договором между инвестором и одной из Договаривающихся Сторон;

в) права требования денежных средств, которые возникают исключительно из коммерческих сделок по продаже товаров или услуг;

г) права требования денежных средств, которые возникают исключительно из предоставления кредита в связи с любой коммерческой сделкой.

Под деловыми операциями, о которых идет речь в подпункте б) части четвертой пункта 1 настоящей статьи, понимается, что предприятие осуществляет без исключения все следующие действия:

а) принимает долгосрочные обязательства по капиталовложению в принимающем государстве;

б) принимает предпринимательский риск;

в) осуществляет деятельность в соответствии с национальным законодательством принимающего государства.

2. Термин «доходы» означает любые средства, полученные от инвестирования в государстве Договаривающейся Стороны, включая, прибыль, проценты, дивиденды, роялти, лицензионные и комиссионные вознаграждения, платежи за техническую помощь, техническое обслуживание и другие формы вознаграждений.

3. Термин «инвестор» означает любое физическое или юридическое лицо государства одной из Договаривающихся Сторон, осуществляющее инвестиции на территории государства другой Договаривающейся Стороны:

а) физическое лицо — гражданин государства одной из Договаривающихся Сторон в соответствии с его законодательством;

б) юридическое лицо в отношении любой из Договаривающихся Сторон — любое юридическое лицо, созданное или учрежденное, а также признаваемое таковым в соответствии с законодательством ее государства.

4. Термин «территория» означает территорию, находящуюся под суверенитетом государства Договаривающейся Стороны, в отношении которой это государство осуществляет в соответствии с национальным законодательством и международным правом суверенные права или юрисдикцию.

5. Термин «законодательство государства Договаривающейся Стороны» означает законы и иные нормативные правовые акты, составляющие право Республики Узбекистан, или законы и иные нормативные правовые акты, составляющие право Республики Беларусь.

## **Статья 2**

### **Применение настоящего Соглашения**

Положения настоящего Соглашения будут применяться ко всем инвестициям, осуществленным инвесторами государства одной из Договаривающихся Сторон на территории государства другой Договаривающейся Стороны в соответствии с его законодательством до и после вступления настоящего Соглашения в силу, однако не будут применяться к любому спору в отношении инвестиций, действиям или фактам, возникшим до вступления настоящего Соглашения в силу, или к любым претензиям, урегулированным до вступления настоящего Соглашения в силу.

## **Статья 3**

### **Взаимное поощрение и защита инвестиций**

1. Каждая Договаривающаяся Сторона будет поощрять и создавать благоприятные условия для инвесторов государства другой Договаривающейся Стороны для осуществления инвестиций на территории ее государства и будет допускать такие инвестиции согласно законодательству своего государства.

2. Инвестициям инвесторов государства каждой из Договаривающихся Сторон будет неизменно предоставляться справедливый и равноправный режим, а также полная и соответствующая правовая защита на террито-

рии государства другой Договаривающейся Стороны. Каждая из Договаривающихся Сторон на территории своего государства обязуется не препятствовать путем принятия необоснованных или дискриминационных мер управлению, поддержанию, использованию или распоряжению инвестициями инвесторов государства другой Договаривающейся Стороны.

Каждая из Договаривающихся Сторон обязуется соблюдать любое обязательство, взятое по отношению к инвестициям инвесторов государства другой Договаривающейся Стороны.

#### **Статья 4** **Национальный режим и режим наибольшего благоприятствования**

1. Каждая из Договаривающихся Сторон предоставит на территории своего государства в отношении инвестиций и доходов инвесторов государства другой Договаривающейся Стороны режим не менее благоприятный, чем тот, который она предоставляет в отношении инвестиций и доходов инвесторов своего государства или инвестиций и доходов инвесторов любого третьего государства, в зависимости от того, какой из них, по мнению инвестора, является наиболее благоприятным.

2. Каждая из Договаривающихся Сторон обязуется предоставить на территории своего государства инвесторам государства другой Договаривающейся Стороны в том, что касается управления, поддержания, использования или распоряжения их инвестициями, режим не менее благоприятный, чем тот, который она предоставляет инвесторам своего государства или инвесторам любого третьего государства, в зависимости от того, какой из них, по мнению инвестора, является наиболее благоприятным.

3. Положения пунктов 1 и 2 настоящей статьи не должны быть истолкованы таким образом, чтобы обязывать одну Договаривающуюся Сторону распространять на инвесторов государства другой Договаривающейся Стороны и их инвестиции преимущества любого режима, льгот или привилегий, которые могут быть предоставлены первой Договаривающейся Стороной в силу:

а) соглашения о свободной торговле, таможенном союзе, общем рынке, экономическом или валютном союзе либо другого аналогичного международного соглашения, включая другие формы регионального экономического сотрудничества, членом которых первая Договаривающаяся Сторона является или может стать в будущем;

б) соглашения об избежании двойного налогообложения или другого международного соглашения, относящегося полностью или главным образом к налогообложению.

4. Положения настоящего Соглашения, касающиеся режима наибольшего благоприятствования, не применяются:

а) к урегулированию споров между одной Договаривающейся Стороной и инвесторами государства другой Договаривающейся Стороны;

б) в отношении приватизации земельных участков и приобретения право собственности на приватизированные земельные участки.

## **Статья 5**

### **Экспроприация**

1. Инвестиции инвесторов государства одной из Договаривающихся Сторон на территории государства другой Договаривающейся Стороны не подлежат национализации, экспроприации или другим мерам, действие которых прямо или косвенно эквивалентно национализации или экспроприации (далее — экспроприация), иначе как в общественных интересах, на недискриминационной основе, согласно установленному законодательством порядку и при обеспечении своевременной, адекватной и эффективной компенсации.

лари қонунчилигига мувофиқ тартибга солинадиган объектларни карантин текширувидан ўтказиш ҳуқуқини истисно этмайди.

Башарти тартибга солиш объектлари зарарсизлантирилиши бир Томон давлатининг ҳудудида амалга оширилган бўлса, ушбу объектларни бошқа Томон давлати ҳудудига олиб киришга, уларнинг газсизлантирилишидан (карантин остидаги маҳсулотдан газни сунъий равишда бартараф қилиш) ёки бошқа Томон билан дастлабки келишув бўйича карантин остидаги маҳсулотни қабул қилаётган Томон давлатининг ҳудудида газсизлантирилишидан сўнг рухсат берилади.

Тартибга солинадиган объектларнинг реэкспорти ва транзити 12-сонли ФЧХСга мувофиқ амалга оширилади.

### **7-модда**

Бир Томон давлатининг ҳудудидан бошқа Томон давлатининг ҳудудига тартибга солинадиган объектлар экспорт қилинганда қадоклаш маҳсулоти сифатида 15-сонли ФЧХСга мувофиқ махсус ишлов берилган ёғоч қадоклаш маҳсулотидан фойдаланилади. Ўсимлик материаллари (пичан, сомон, барглар) импорт қилувчи Томоннинг олдиндан розилигисиз қўшимча қадоклаш материали сифатида ишлатилмайди. Бошқа қадоклаш материаллари тупроқдан холи бўлиши лозим.

Томонлар ўз давлатлари учун тартибга солинадиган зарарли организмлар ташувчиси бўлиши мумкин ҳисобланган тирик илдизли ўсимликларни тупроқ билан олиб кирилишини тақиқлайди.

Тартибга солинадиган объектларни бир Томон давлатидан бошқа Томон давлатининг ҳудудига олиб ўтиш учун фойдаланиладиган транспорт воситалари тўлиқ тозаланган, зарур ҳолларда, зарарсизлантирилган бўлиши лозим.

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра уруғ ва экиш материаллари импорт қилинган ҳолатда, импорт қилувчи Томон давлатининг фитосанитария талабларига мувофиқ, экспорт қилувчи мамлакатнинг ушбу маҳсулотларни етиштириш жойларида (кўчатзорлар, плантациялар) мониторинг ўтказиш ишлари ташкиллаштирилиши мумкин.

### **8-модда**

Чегара пунктларида карантин текшируви пайтида импорт қилинаётган тартибга солинадиган объектларни фитосанитария қоидалари ва талабларига номувофиқлиги бўйича жиддий ҳолатлар аниқланса, импорт қилаётган Томон ушбу маҳсулотларни йўқ қилиш ёки қайтариш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Фитосанитария қоидалари ва талабларига жиддий номувофиқликлар қуйидаги ҳолатлар ҳисобланади:

- тартибга солинадиган зарарли организмларнинг аниқланиши;
- фитосанитария сертификатларининг мавжуд эмаслиги;
- фитосанитария сертификатларида тасдиқланмаган ўзгаришлар ёки ўчиришлар бўлганда;

сохта фитосанитария сертификатлари аниқланганда;  
олиб кириш учун тақиқланган юклар кириб келганда.

Фитосанитария талаблари бузилишининг бошқа ҳолатларида Томонлар импорт қилаётган шахсларга аниқланган номувофикликни бартараф этишга имконият берадилар. Шахслар томонидан қоидабузарликлар белгилаб берилган муддат ичида бартараф этилмаган ҳолларда, импорт қилувчи Томон тартибга солиш объектларини қайтариш ёки йўқ қилиш ҳуқуқига эга.

### **9-модда**

Импорт қилинадиган тартибга солинадиган объектларнинг фитосанитария қоидалари ва талабларига нисбатан номувофиклик ҳолатлари аниқланган ҳолларда, импорт қилувчи Томон бошқа Томонга 13-сонли ФЧХСга мувофиқ қоидабузарлик тури ва кўрилган чораларни ўзида акс эттирган нотификация юборади.

Нотификация қоидабузарлик аниқланган кундан бошлаб бир ой давомида юборилади. Нотификация сабабини тасдиқлашда (масалан, организмни идентификациялашда) сезиларли кечикиш юз берган ҳолда, Томонлар дастлабки нотификацияни юборишлари мумкин.

Нотификация олгандан сўнг экспорт қилувчи Томон аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича чораларни кўради ва натижалари тўғрисида импорт қилувчи Томонни ўз вақтида хабардор қилади.

### **10-модда**

Экспорт қилувчи Томоннинг сўровига биноан ва ижобий баҳо берилган тақдирда, бошқа Томон экспорт қилувчи Томондан қабул қилинадиган фитосанитария чораларини 24-сонли ФЧХСга мувофиқ эквивалент сифатида тан олиши мумкин.

Томонлар фитосанитария чоралари эквивалентлигини тан олиш тартибини алоҳида келишиб олишлари мумкин.

### **11-модда**

Томонлар фитосанитария сертификатларини электрон алмашиш тизимини жорий этиш имкониятларини кўрадилар. Мазкур тизимни амалга ошириш механизмни ўзаро келишиш мақсадида Томонлар алоҳида чоратадбирлар режасини келишишлари мумкин.

### **12-модда**

Мазкур Битим қоидаларини амалга ошириш билан боғлиқ амалий масалаларни ҳал қилиш мақсадида Томонлар бўлиб ўтадиган қўшма мажлисларни навбатма-навбат ўзларининг давлатлари ҳудудида ёки зарур ҳолларда, видеоконференция режимида ташкил этадилар.

Йиғилишларнинг ташкилий харажатлари қабул қилувчи Томон тарафидан қопланади.

Бундай мажлисларнинг жойи, санаси ва кун тартиби Томонлар тарафидан олдиндан белгиланади.

### **13-модда**

Мазкур Битимнинг қоидалари Томонлар давлатларининг улар иштирок этадиган бошқа халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилмайди.

### **14-модда**

Мазкур Битимга Томонларнинг ўзаро келишувига кўра унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ҳамда алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ҳамда мазкур Битимнинг 16-моддасида белгиланган тартибда кучга кирадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

### **15-модда**

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашув ва музокаралар орқали ҳал этилади.

### **16-модда**

Мазкур Битим Томонлар тарафидан Битим кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедуралари бажарилганлиги ҳақида ёзма хабарнома дипломатик каналлар орқали олинган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим беш (5) йил муддатга тузилади. Башарти Томонлардан бири бошқа Томонни мазкур Битимни тугатиш нияти тўғрисида хабардор қилмаса, у ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатларга узаяверади.

Мазкур Битимнинг амал қилиши Томонлардан бири бошқа Томонни унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида дипломатик каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилган кундан бошлаб олти (6) ой ўтгандан кейин тугатилади.

Мазкур Битим кучга киргандан кейин 2003 йил 13 июнда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ўсимликлар карантини соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг амал қилиши тугатилади.

Тошкент шаҳрида 2022 йил 21 июнда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, озарбайжон ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзга келган тақдирда, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

*(имзолар)*

**СОГЛАШЕНИЕ**  
**между Правительством Республики Узбекистан и**  
**Правительством Азербайджанской Республики**  
**о сотрудничестве в сфере карантина и**  
**защиты растений**

*Ташкент, 21 июня 2022 года*

*(Вступило в силу для Республики Узбекистан  
28 октября 2022 года)*

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Азербайджанской Республики, далее именуемые Сторонами,

стремясь к активизации двустороннего сотрудничества в сфере карантина и защиты растений для эффективной имплементации фитосанитарных мер в соответствии с международными стандартами по фитосанитарным мерам (далее — МСФМ), принятых в рамках Международной Конвенции по карантину и защите растений от 1951 года (далее — МККЗР),

намереваясь принять совместные меры по защите территории государств Сторон от ввоза и распространения регулируемых вредных организмов, а также снижению фитосанитарного риска при торговле сельскохозяйственными продуктами,

**согласились о нижеследующем:**

**Статья 1**

Стороны осуществляют сотрудничество в сфере карантина и защиты растений в целях защиты территории своих государств от проникновения регулируемых вредных организмов, а также содействия увеличению товарооборота между государствами Сторон.

Термины, использованные в настоящем Соглашении, имеют то же значение, предусмотренное в МККЗР и МСФМ.

Для целей настоящего Соглашения термины «носители объектов карантина растений», «подкарантинная продукция», «подкарантинные грузы», «подкарантинные материалы», «подкарантинные товары» и «объекты регулирования» имеют одинаковое значение и, в настоящем Соглашении используется термин «объекты регулирования».

**Статья 2**

Для координации и реализации положений настоящего Соглашения ответственными уполномоченными органами Сторон являются:

от имени Правительства Азербайджанской Республики — Агентство пищевой безопасности Азербайджанской Республики;

от имени Правительства Республики Узбекистан — Агентство по карантину и защите растений Республики Узбекистан.

### **Статья 3**

Стороны будут информировать друг друга о зонах, свободных от вредных организмов, свободных мест производства, свободных участков производства и территориях с низкой численностью вредных организмов на территориях своих государств.

Стороны также обмениваются опытом по установлению зон, свободных от вредных организмов, а также по применению эффективных фитосанитарных мер по их поддержанию.

### **Статья 4**

Стороны будут проводить карантинный досмотр объектов регулирования в процессе их производства, обработки, перевозки, а также хранения с целью определения присутствия или отсутствия регулируемых вредных организмов для государств Сторон, которые могут нанести вред объектам регулирования.

Стороны обязуются придерживаться утвержденных законодательством своих государств фитосанитарных правил по импорту, экспорту, реэкспорту и транзиту объектов регулирования, перевозимых с территории государства одной Стороны на территорию государства другой Стороны.

### **Статья 5**

Стороны сотрудничают в сфере проведения анализа фитосанитарных рисков и, по запросу, могут обмениваться результатами завершенного анализа фитосанитарных рисков в ознакомительных целях.

### **Статья 6**

Объекты регулирования, которые вывозятся с территории государства одной Стороны на территорию государства другой Стороны, либо которые перевозятся транзитом по территории государства одной Стороны на территорию государства другой Стороны, либо объекты регулирования происхождением из третьих стран, подвергшиеся на территории государства одной из Сторон переупаковке, перегрузке или разделению на части, должны сопровождаться оригиналом фитосанитарного сертификата или реэкспортного фитосанитарного сертификата и карантинным разрешением (на импорт или транзит), если это предусмотрено национальным законодательством, в соответствии с фитосанитарными требованиями государства импортирующей Стороны.

В целях идентификации партий объектов регулирования в фитосанитарных сертификатах указывается номер (название) транспортного средства, перевозящего эту партию. Фитосанитарные сертификаты оформляются в соответствии с МСФМ № 12.

Наличие фитосанитарного сертификата не исключает права Сторон проводить карантинный досмотр объектов регулирования в соответствии с законодательством своих государств.

Если обеззараживание объектов регулирования проводилось на территории государства одной Стороны, ввоз указанных объектов на территорию государства другой Стороны разрешается после ее дегазации (искусственного устранения газов из объектов регулирования), или дегазации на территории государства Стороны, которая принимает объекты регулирования по предварительной договоренности с другой Стороной.

Резэкспорт и транзит объектов регулирования проводится согласно МСФМ № 12.

### **Статья 7**

При экспорте объектов регулирования с территории государства одной Стороны на территорию государства другой Стороны, в качестве упаковочного материала будут применяться древесные упаковочные материалы, прошедшие специальную обработку в соответствии с МСФМ № 15. Растительные материалы (сено, солома, мякина, листья), не будут использоваться в качестве дополнительного упаковочного материала без предварительного согласия импортирующей Стороны. Другие упаковочные материалы должны быть свободны от почвы.

Стороны запрещают импорт живых укорененных растений с почвой, которые могут быть переносчиками регулируемых вредных организмов для государств Сторон.

Транспортные средства, используемые одной Стороной для перевозки объектов регулирования на территорию государства другой Стороны, должны быть тщательно очищены, а при необходимости — обеззаражены.

По согласованию Сторон могут быть организованы инспекции на место производства продукции (питомники, плантации) в страну экспортера в случае импорта семян и посадочных материалов для проведения обследования, в соответствии с фитосанитарными требованиями государства импортирующей Стороны.

### **Статья 8**

При выявлении серьезных случаев несоответствия импортируемых объектов регулирования фитосанитарным правилам и требованиям в ходе карантинного досмотра в пограничных пунктах, импортирующая Сторона вправе принимать решение об уничтожении или возврате настоящей продукции.

Серьезными несоответствиями фитосанитарным правилам и требованиям считаются следующие случаи:

выявление регулируемых вредных организмов;

отсутствие фитосанитарных сертификатов;

незаверенные изменения или подчистки в фитосанитарных сертификатах;

поддельные фитосанитарные сертификаты;

грузы, запрещенные к ввозу.

В других случаях нарушения фитосанитарных требований, Стороны

предоставляют возможность импортирующим лицам устранить выявленное несоответствие. При не устранении лицами нарушений в течение предоставленного периода, импортирующая Сторона вправе вернуть или уничтожить объекты регулирования.

### **Статья 9**

В случаях выявления несоответствия импортируемых объектов регулирования фитосанитарным правилам и требованиям, импортирующая Сторона направляет другой Стороне нотификацию в соответствии с МСФМ № 13, в которой описывается вид нарушения и принятые меры.

Нотификации направляются в течение месяца со дня выявления нарушения. В случае значительной задержки с подтверждением причины нотификации (например, идентификация организма), Стороны могут направить предварительную нотификацию.

После получения нотификации экспортирующая Сторона принимает меры по устранению выявленных нарушений и своевременно информирует о результатах импортирующую Сторону.

### **Статья 10**

По запросу экспортирующей Стороны и при условии положительной оценки, другая Сторона может признать фитосанитарные меры, принимаемые экспортирующей Стороной эквивалентными согласно МСФМ № 24.

Стороны могут отдельно согласовать порядок признания эквивалентности фитосанитарных мер.

### **Статья 11**

Стороны рассмотрят возможность создания системы электронного обмена фитосанитарными сертификатами. В целях согласования механизма его реализации, Стороны могут согласовать отдельный план мероприятий.

### **Статья 12**

В целях решения практических вопросов, связанных с реализацией положений настоящего Соглашения, Стороны, при необходимости, организуют совместные встречи, которые проводятся поочередно на территории государств Сторон или, в случае необходимости, в режиме видеоконференции.

Организационные расходы по проведению встреч несет принимающая Сторона.

Место, сроки и повестка дня таких встреч определяются Сторонами заблаговременно.

### **Статья 13**

Настоящее Соглашение не затрагивают прав и обязательств государств



Сторон, вытекающих из других международных договоров, участниками которых они являются.

#### **Статья 14**

По взаимному согласию Сторон, в настоящее Соглашение могут быть внесены изменения и дополнения, оформляемые отдельными протоколами, которые являются его неотъемлемой частью и вступают в силу в порядке, установленном статьей 16 настоящего Соглашения.

#### **Статья 15**

Разногласия, связанные с толкованием или применением положений настоящего Соглашения, разрешаются путем консультаций и переговоров между Сторонами.

#### **Статья 16**

Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения по дипломатическим каналам письменного уведомления о выполнении Сторонами внутригосударственных процедур, необходимых для его вступления в силу.

Настоящее Соглашение заключается на пять (5) лет. Если ни одна из Сторон не уведомит другую Сторону о своем намерении прекратить действие настоящего Соглашения, оно автоматически продлевается на последующие пятилетние периоды.

Настоящее Соглашение прекращает свое действие по истечении шесть (6) месяцев с даты получения одной из Сторон по дипломатическим каналам письменного уведомления другой Стороны о намерении прекратить его действие.

Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Азербайджанской Республики о сотрудничестве в области карантина растений от 13 июня 2003 года прекращает свое действие после вступления в силу настоящего Соглашения.

Совершено в городе Ташкенте 21 июня 2022 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, азербайджанском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае возникновения разногласий при толковании положений настоящего Соглашения, Стороны будут обращаться к тексту на русском языке.

*(подписи)*

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея  
Республикаси Ҳукумати ўртасида соғлиқни сақлаш  
соҳасида касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши  
жавоб чораларини кўришда ҳамкорлик қилиш тўғрисида  
БИТИМ**

*2021 йил 17 декабрь, Сеул*

*Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 20 октябрдаги ПҚ-406-сон қарори билан  
тасдиқланган*

*(Ўзбекистон Республикаси учун 2022 йил 23 ноябрдан  
кучга кирган)*

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Корея Республикаси Ҳукумати (кейинги ўринларда биргаликда «Томонлар», алоҳида «Томон» деб ата- лувчилар),

соғлиқни сақлаш соҳасида, шу жумладан, касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришдаги ҳамкорлик, иккала давлат- нинг умумий манфаатларига жавоб беришини инobatга олган ҳолда,

соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро аҳамиятга эга бўлган фавқулод- да вазиятлар (PHEIC)га жавоб қайтаришда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Таш- килотининг Халқаро тиббий-санитария қоидаларига (2005 йил) асосланиб трансчегаравий ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни амалга ошириш муҳим- лигини таъкидлаган ҳолда,

хусусан, COVID-19 га қарши жавоб чораларини кўриш ва олинган са- боқлар бўйича Томонлар ўртасида улар давлатлари Ҳукуматлари ва хусу- сий секторларининг тажрибаларини алмашиш заруриятини тасдиқлаган ҳолда,

касалликларни олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўриш- да инсон ҳуқуқларининг фундаментал қадриятларини ҳурмат қилиш зарур- лигини таъкидлаб,

ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик аҳамиятини тасдиқлаган ҳолда, ҳамда

Томонлар ўртасида мавжуд дўстлик муносабатларини янада ривожлан- тириш ва келажакка қаратилган ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истагида,

**қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

**1-модда  
Таърифлар**

Мазкур Битим мақсадида:

(а) «Халқаро тиббий-санитария қоидалари» Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ас- самблеяси томонидан 2005 йилда қабул қилинган Халқаро тиббий-санитария қоидаларини ва уларга киритилган барча ўзгартиришларни англатади;

(b) «касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўриш» бу касалликларнинг, шу жумладан, юқумли касалликларнинг авж олишини олдини олиш ёки бу касалликлар авж олганда уларнинг тарқалишини олдини олиш бўйича ҳаракатларни, шу жумладан касалликларни илмий жиҳатдан ўрганиш бўйича тадқиқотларни англатади;

(c) «соғлиқни сақлашга қаратилган чора-тадбирлар» касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришга қаратилган қонунчилик, маъмурий ва сиёсий чораларни англатади; ва

(d) «ваколатли органлар» Томонларнинг мазкур Битим доирасидаги ҳамкорлик чораларини амалга ошириш учун масъул бўлган соғлиқни сақлаш ёки ташқи ишларга жавобгар бўлган давлат органларини англатади.

## **2-модда**

### **Мақсад**

Мазкур Битимнинг мақсади касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўриш, ҳамда Халқаро тиббий-санитария қоидаларини бажаришда Томонлар ўртасида ҳамкорликни рағбатлантиришдан иборат.

## **3-модда**

### **Бошқа қонунлар, қоидалар ва халқаро шартномалар билан алоқалар**

1. Томонлар касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўриш бўйича ҳамкорликни мазкур Битим қоидалари ва амалдаги халқаро шартномалар, ўзларининг ички қонунлари ва қоидалари ҳамда тегишли лицензиялаш талабларига асосан олиб борадилар.

2. Мазкур Битимдаги ҳеч нарса, Томонлар ўртасидаги амалдаги халқаро шартномалардан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларга дахл қилмайди.

## **4-модда**

### **Ҳамкорликнинг асосий тамойиллари**

1. Мазкур Битим доирасида ҳамкорлик тенглик, ўзаро манфаатдорлик ва ўзаролик тамойилларига асосланган ҳолда олиб борилади.

2. Томонлар касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришда Халқаро тиббий-санитария қоидаларига мувофиқ, халқаро ташувлар ва савдога ортиқча чекловлар келтириб чиқармаслигини таъминлаш мақсадида ҳамкорлик қиладилар.

3. Томонлар касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришда, Халқаро тиббий-санитария қоидаларига, амалдаги шартномалар ва ўзларининг тегишли миллий қонунчилиги ва қоидаларга мувофиқ, инсон ҳуқуқларининг фундаментал қадриятларини ҳурмат қиладилар. Томонлар, хусусан, касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини қўллаш аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами-

га номутаносиб равишда таъсир кўрсатишини, шунингдек, соғлиқни сақлаш чораларини қўллашда ирқига, танасининг рангига, жинсига, тилига, динига, сиёсий қарашларига, жинсий ўзига хослигига, миллати ёки ижтимоий келиб чиқишига ёки молиявий, ижтимоий ёки бошқа мақомига қараб нафрат ва камситиш билан муносабатда бўлмасликни таъминлаш лозимлигини ҳисобга оладилар.

4. Томонлар касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришда очиқлик ва шаффофлик муҳим омил эканлигини ва шу муносабат билан аниқ ахборотни тўплаш, текшириш, тарқатиш ва алмашишнинг муҳимлигини эътироф этадилар.

5. Томонлар касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришда ихтисослаштирилган муассасаларнинг ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги экспертларнинг ўрни ўта муҳимлигини тан оладилар ва шу муносабат билан нодавлат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик қилиш зарурлигини эътироф этадилар.

### **5-модда**

#### **Халқаро тиббий-санитария қоидаларига риоя қилиш**

Томонлар касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўриш бўйича ҳамкорлик қилишда Томонлар учун амал қиладиган Халқаро тиббий-санитария қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини оладилар.

### **6-модда**

#### **Ҳамкорлик ва ёрдам**

Томонлар имкон даражасида қуйидагилар бўйича ҳамкорлик қиладилар:

(а) Халқаро тиббий-санитария қоидаларининг 2-иловасида келтирилган соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро аҳамиятга эга бўлган фавқулодда вазиятларни келтириб чиқарувчи ҳодисаларни аниқлаш ва баҳолаш ҳамда уларга қарши жавоб чораларини кўриш;

(б) Халқаро тиббий-санитария қоидаларига мувофиқ талаб этилган Соғлиқни сақлаш салоҳиятини ривожлантириш, кучайтириш ва қўллаб-қувватлашда техник ҳамкорлик ва моддий-техник ёрдам кўрсатишни таъминлаш ёки кўмак кўрсатиш; ва

(с) соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро ташкилотларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш.

### **7-модда**

#### **Ахборот алмашиш ва мулоқот**

1. Башарти Халқаро тиббий-санитария қоидаларига асосан, соғлиқни сақлаш билан боғлиқ халқаро аҳамиятга эга бўлган фавқулодда вазият Томонлардан бирининг ҳудудида ёки юрисдикциясида юзага келган бўлса, ушбу Томон ҳар қандай восита билан тегишли ахборотни самарали алмашишда ҳамкорлик қилади.

2. Мазкур Битимнинг 1-моддасида белгилаб ўтилган ахборот алмаши-нуви, ҳудудида ёки юрисдикциясида ушбу вазият юзага келган Томон Халқ-аро тиббий-санитария қоидаларига асосан, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Таш-килотига берилган ахборотни мумкин қадар тез фурсатларда бошқа Томонга тақдим этади.

3. Томонлардан бири соғлиқни сақлашда халқаро аҳамиятга эга бўлган фавқулудда вазиятга жавобан халқаро ташувни амалга оширишга жиддий тўсқинлик қиладиган ёки чеклайдиган чораларни қўллаган тақдирда, бошқа Томонга тегишли маълумотларни имкон қадар тез фурсатларда тақдим эта-ди.

### **8-модда**

#### **Зарур алмашинув ва ҳамкорликни таъминлаш**

1. Томонлар 7-моддада келтирилган соғлиқни сақлаш билан боғлиқ чораларни Халқаро тиббий-санитария қоидалари, амалдаги шартномалар ва ўзларининг миллий қонунлари ва қоидаларига мувофиқ, касалликларни олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришда оқилона дара-жада зарур бўлган, хусусан, икки давлат фуқароларининг иқтисодий эҳтиёж-ларига жавоб берган ҳолда татбиқ этадилар ва икки давлат ўртасида бош-қа муҳим алмашинув ва ҳамкорлик 4-моддада акс эттирилган тамойиллар-га мувофиқ амалга оширилади.

2. Томонлардан бири аҳоли саломатлигини таъминлашда, хорижий фуқароларнинг ўз ҳудудига кириши ва (ёки) чиқиб кетишини чегараловчи чоралар қўллаган тақдирда, Томонлар бошқа Томоннинг мурожаатига асо-сан, ушбу давлатлар муҳим шахсларининг алмашинувини таъминлаш учун керакли бўлган тегишли чоралар кўрилиши бўйича маслаҳатлашувни амалга оширадилар. Бундай чоралар Томонларнинг миллий қонунчилиги ва қоида-ларига асосан амалга оширилади.

3. Томонлар касалликларнинг олдини олиш ва уларга жавоб чорала-рини кўришда икки давлат фуқароларининг ва тадбиркорлик корхоналари-нинг иқтисодий ҳамкорлигига, шу жумладан, тегишли рухсатномалар бе-рилишида ҳамкорликка кўмаклашадилар.

### **9-модда**

#### **Қўшимча ҳамкорлик**

1. Томонлар илғор тажрибаларни, шу жумладан, ўзларининг соғлиқни сақлаш чора-тадбирларини алмашадилар ҳамда касалликларни олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришда аҳолини хабардор қилиш ва билимини оширишда ҳамкорлик қилишлари мумкин.

2. Томонлар касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши самарали жавоб чораларини кўриш мақсадида, ўзаро келишувга биноан, мазкур Битимда белгилангандан ташқари зарур бўлган қўшимча ҳамкорликни, шу жумладан, касалликларни даволашни амалга оширишлари мумкин.

## 10-модда

### Техник ёрдам ва салоҳиятни ошириш

1. Томонлар ўз ваколатлари доирасида тўғридан-тўғри ёки минтақавий ҳамкорлик механизмлари ва (ёки) халқаро ёки минтақавий ташкилотлар орқали соғлиқни сақлаш, шу жумладан, касалликларни олдини олиш ва уларга қарши жавоб чоралари кўриш соҳасида техник ёрдам ва салоҳиятни ошириш бўйича ҳамкорлик қилишга интиладилар.

2. Томонлар, зарур ҳолларда, мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ барча даражаларда, шу жумладан, фуқаролик жамияти ва хусусий секторда алоқаларни кучайтириш ҳамда минтақавий ҳамкорлик механизмлари ва (ёки) халқаро ёки минтақавий ташкилотлар доирасида мувофиқлаштиришни кучайтириш орқали техник ёрдам ва салоҳиятни ошириш бўйича ҳамкорлик қилишлари мумкин.

3. Томонлар мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ техник ёрдам ва салоҳиятни ошириш бўйича ҳамкорликни амалга оширишда, ўзларининг миллий эҳтиёжлари ҳамда ҳуқуқий ва сиёсий талабларини ҳисобга оладилар.

4. Мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ техник ёрдам ва салоҳиятни ошириш бўйича ҳамкорлик шакллари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин, бироқ ушбулар билан чегараланмайди:

(а) ўзаро учрашувлар, анжуманлар, симпозиумлар, маърузалар, семинарлар, вебинарлар ва бошқа тегишли тадбирларни ташкиллаштириш ва уларда иштирок этиш;

(б) экспертлар алмашинуви ҳамда қўшма тадқиқот ва лойиҳалар ишлаб чиқилишини амалга ошириш;

(с) тегишли ҳужжатлар ва ахборот алмашинуви, шу жумладан, онлайн шаклдаги мулоқотлар;

(д) соғлиқни сақлаш соҳасида айни шу каби ҳолатга дуч келган бирон бир давлат ёки учинчи давлатлар учун ихтисослашган таълим ва тайёрлов дастурлари; ва

(е) ҳамкорликнинг Томонлар ўзаро келишиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай шакллари.

## 11-модда

### Самарадорликни ошириш

1. Касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришда техник ёрдам ва салоҳиятни ошириш Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувга асосан самарали ва ошқора усулда амалдаги дастурларни такрорламаган ҳолда, лекин ҳар бир давлатдаги аниқ вазиятга мувофиқ равишда амалга оширилади.

2. Томонлар мазкур модданинг 1-бандига белгиланган техник ёрдам ва салоҳиятни ошириш масалаларини самарали амалга ошириш мақсадида, қабул қилувчи давлатнинг техник ва сиёсий эҳтиёжларини баҳолаш ишларини олиб боришлари мумкин.

3. Техник ёрдам ва салоҳиятни ошириш масалалари бўйича ҳамкорликни олиб боришда, Томонлар амалдаги шартномалар ва ўзларининг тегишли миллий қонунчилиги ва қоидаларига мувофиқ, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар.

### **12-модда** **Фуқаролар ҳимояси**

1. Агар Халқаро тиббий-санитария қоидаларига асосан, халқаро аҳамиятга эга бўлган соғлиқни сақлаш билан боғлиқ фавқулудда вазият Томонлар ҳудудларида ёки юрисдикциясида содир бўлса, Томонлар мазкур Битимга, жумладан, 4, 5, 7 ва 8-моддаларга мувофиқ, улар ўз ҳудудларида бўлиб турган бошқа Томон фуқароларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга интиладилар.

2. Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясига, бошқа амалдаги шартномалар ва халқаро одат ҳуқуқларига мувофиқ, ҳар бир Томон бошқа Томоннинг ўз фуқароларини ҳимоя қилиши учун консуллик фаолиятини олиб боришини таъминлайди.

3. Касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришда бир Томон бошқа Томондан унинг ҳудудида бўлиб турган ёки истиқомат қилувчи фуқароларининг саломатлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этишни сўраши мумкин. Бундай мурожаатга асосан, бошқа Томон тегишли ахборотни имкон қадар тўлиқ ҳажмда тўплаш ва тақдим этишга интилади.

4. Томонлардан бири бошқа Томоннинг ҳудудида бўлиб турган ёки истиқомат қилаётган фуқароларига касалликларнинг олдини олиш ва жавоб чораларини кўриш мақсадида бошқа Томон ҳудудида зудлик билан ҳаракат қилишга ёки ундан чиқиб кетишга шароит яратилиши бўйича ҳамкорлик тўғрисида мурожаат қилиши мумкин. Бошқа Томон бундай мурожаатга биноан, имкон қадар тўлиқ ҳамкорликни таъминлашга ҳаракат қилади.

5. Томонлар мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ ўзларининг тегишли ҳудудларидаги маҳаллий ҳукуматлари ва хусусий секторлари бошқа Томон фуқароларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва кадр-қимматини ҳимоя қилишини таъминланиши учун имкон қадар тўлиқ ҳаракат қиладилар.

### **13-модда** **Махфий ва шахсий ахборотни ҳимоя қилиш**

1. Томонлар мазкур Битим, шу жумладан, 7, 10 ва 12-моддалар доирасида ҳамкорликни амалга оширишда, ўзларининг тегишли миллий қонунчилиги ва қоидаларига мувофиқ махфий ҳисобланган маълумотларни ёки ушбу турдаги бошқа маълумотларни, шу жумладан шахсий маълумотларни талаб қилмайдилар ва тақдим этмайдилар.

2. Мазкур модданинг 1-бандидан қатъи назар, Томонлар ўзларининг тегишли миллий қонунчилиги ва қоидаларига кўра махфий ҳисобланган

маълумотни, башарти бундай маълумот ушбу Битимни амалга оширишда самарадорликка эришиш учун зарур бўлган тақдирда, фақат ўзларининг миллий қонунчилиги ва қоидаларига зид бўлмаса, алмашишлари мумкин.

Бундай ҳолда, маълумотни қабул қилувчи Томон, уларни тайинланган агентлик ва жисмоний шахслардан ташқари, ҳар қандай учинчи томонга ошкор қилмаслиги, тақдим этмаслиги ёки ахборотдан фойдаланишга йўл қўймаслиги лозим.

3. Томонлар мазкур Битимни амалга ошириш жараёнида шахсий маълумотларни амалдаги шартномалар ва ўзларининг миллий қонунчилиги ва қоидаларига мос келадиган тарзда ҳимоя қиладилар ва касалликларни олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришда ўзбошимчалик билан, ҳамда қонунга хилоф равишда шахсий ҳаётга аралашига йўл қўйилмаслигини кафолатлайдилар.

#### **14-модда**

##### **Дипломатик ва консуллик муносабатлари тўғрисидаги халқаро конвенцияларга мувофиқлик**

Томонлар касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришда Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси, Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси ва тегишли халқаро одат ҳуқуқига риоя қиладилар ва халқаро ҳамжиҳатликни ҳурмат қиладилар.

#### **15-модда**

##### **Соғлиқни сақлашнинг бошқа соҳаларидаги ҳамкорлик**

Томонлар, шунингдек, ўзаро келишувга мувофиқ, касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўришдан ташқари, соғлиқни сақлашнинг бошқа соҳаларида ҳам ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қиладилар.

#### **16-модда**

##### **Амалга ошириш**

1. Томонлар мазкур Битимни самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, ҳар бир Томоннинг тайинланган вакилларида ташкил топган Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича Қўшма қўмита (кейинги ўринларда «Қўшма қўмита» деб аталади) тузадилар. Битим доирасида тартибга солинадиган турли соҳаларни самарали муҳокама қилиш мақсадида Қўшма қўмита таркибига Томонлар соғлиқни сақлаш сиёсати ва ташқи ишларига ваколатли органларининг вакиллари киритилади.

2. Қўшма қўмитанинг мажлислари навбати билан Томонлар тарафидан ўтказилади.

3. Қўшма қўмитанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

(а) Томонлар миллий қонунчилиги, қоидалари ва сиёсатида кўра ҳамкорлик йўналишларини аниқлаш;



(b) мазкур Битимга риюя қилиш ва (ёки) уни амалга ошириш билан боғлиқ ҳар қандай масалани муҳокама қилиш;

(c) мазкур Битим доирасида қўшма дастур ва лойиҳаларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

(d) соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликка тааллуқли нормаларни, шу жумладан Халқаро тиббий-санитария қоидаларини самарали қўллаш масалаларини муҳокама қилиш;

(e) 7 ва 8-моддалар, 9-модданинг 1-банди ҳамда 10-модда ижросини муҳокама қилиш ва кўриб чиқиш;

(f) 9-модданинг 2-бандига биноан ҳамкорликнинг қўшимча йўналишларини аниқлаш ва амалга оширилишини муҳокама қилиш;

(g) мазкур Битимга ўзгаришлар киритиш зарурлигини ёки уни амалга ошириш учун қўшимча келишувлар имзоланиши муҳокама қилиш; ва

(h) Томонлар ўзаро келишиб олишлари мумкин бўлган кун тартибининг бошқа масалаларини муҳокама қилиш.

4. Мазкур Битимни амалга ошириш бўйича Томонлар ўзларининг ваколатли органларини тайинлайдилар ва бу тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар.

5. Мазкур Битимни самарали бажарилишини таъминлаш учун, Томонлар исталган вақтда бир-бирлари билан дипломатик каналлар орқали маслаҳатлашишлари мумкин.

6. Мазкур Битим доирасида муайян тадбирларни амалга ошириш бўйича Томонлар ўзларининг тегишли ташкилотлари ўртасида келишувлар имзоланиши мумкин. Бундай келишувлар ёки соғлиқни сақлаш соҳасидаги мавжуд келишувларга ўзгартириш киритиш масалалари Қўшма қўмита томонидан муҳокама қилинади.

### **17-модда** **Харажатлар**

1. Ҳар бир Томон мазкур Битим доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган ўз харажатларини ўзлари қоплайдилар. Зарур ҳолларда, Томонлар харажатларнинг аниқ молиявий жавобгарлик тафсилотлари кўрсатиб ўтилган қўшимча келишувлар тузишлари мумкин.

2. Мазкур Битим доирасида амалга ошириладиган барча ҳаракатлар, ҳар бир Томоннинг молиявий ресурслари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

### **18-модда** **Низоларни ҳал қилиш**

Мазкур Битимнинг талқин қилиниш ёки амалга оширишда юзага келадиган ҳар қандай низо Томонлар ўртасида ўзаро маслаҳатлашув орқали тинч йўл билан ҳал этилади.

**19-модда**

**Кучга кириши, амал қилиш муддати, тугатилиши ва ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш**

1. Ҳар бир Томон мазкур Битимнинг кучга кириши учун зарур бўлган ўзининг ички давлат тартиб-таомиллари яқунланганлиги тўғрисида бошқа Томон дипломатик каналлар орқали бошқа Томонни хабардор қилади.

Мазкур Битим сўнги хабарнома олинган санадан бошлаб ўттиз (30) кундан сўнг кучга киради.

2. Мазкур Битим беш (5) йил давомида амал қилади ва Томонлардан бири мазкур Битимнинг амал қилиш муддати тугашидан камида олти (6) ой олдин уни тугатиш нияти тўғрисида бошқа Томонга ёзма хабарнома юбормаган тақдирда, у ўз-ўзидан навбатдаги беш (5) йиллик муддатларга узаяверади.

3. Мазкур Битимга Томонларнинг ўзаро ёзма келишувига кўра, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бундай ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган тартибда кучга кирадиган алоҳида баённомалар орқали ёки Томонлар келишган ҳар қандай бошқа шаклда киритилади.

Ушбуни тасдиқлаган ҳолда, ўзларининг тегишли ҳукуматлари томонидан лозим даражада ваколатланган қўйида имзо чекувчилар мазкур Битимни имзоладилар.

Сеул шаҳрида 2021 йил 17 декабрда икки нусхада, ўзбек, корейс ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар тенг аутентикдир.

Талқин қилишда тафовутлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

*(имзолар)*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ  
СБОРНИК МЕЖДУНАРОДНЫХ ДОГОВОРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

*Расмий нашр  
Официальное издание*

**Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами / Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 3-4 (75-76)-сон, 2022. – 76 б.**

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2022 й.

**Таҳрир ҳайъати:**

*Тожиев Фурқат Шомуратович  
Абдуллаев Шерзод Комилович*

**Компьютерда саҳифаловчи:**  
*Қурбонбоев Шерзод Шамуратович*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.  
100060, Тошкент ш., Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй.  
тел.: (71) 233-38-08, (71) 233-28-18.

---

Босишга рухсат этилди 30.12.2022. Бичими 70x108<sup>1/16</sup>.  
Ҳажми 4,75 б.т. Адади 80 нусха, буюртма —  
Индекс: 949. Баҳоси келишилган нарҳда.